

КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ РОЛИ

Бобобеков Эргаш Абдумаликович

ТДИУ Сиртқи бўлим бош мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7204186>

Корпоратив бошқарув ҳамда корпоратив корхоналардаги модернизациялаш жараёнлари самарадорлигининг ўзаро боғлиқлигини илмий тадқиқ этиш катта аҳамият касб этади. Корпоратив бошқарув шароитида модернизациялаш жараёнларининг нисбатан самарали амалга оширилишига имкон яратувчи омиллар мавжуд:

➤ Модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш учун тақозо этилувчи катта ҳажмдаги молиявий маблағларни жамлаш ва сафарбар этиш имконияти.

➤ Эскирган техника ва технологияни замонавий, янги ишлаб чиқариш воситалари билан босқичма-босқич алмаштириб боришда корпоратив тузилманинг ички ишлаб чиқариш ва технологик алоқаларидан фойдаланиш.

➤ Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўп босқичли технологик жараёнларига эга бўлган корпоратив тузилмаларда диверсификациялаш имкониятларининг кенглиги.

➤ Ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ва бошқарув услубларининг янги турларини яратувчи илмий лабораториялар ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштириш ва улар фаолиятини таъминлаш имкониятларининг кенглиги ва ҳ.к.

Шунингдек, хўжалик фаолиятини корпоратив ташкил этиш ва бошқаришнинг кенг имкониятлари корпорацияларнинг устунликларидан фойдаланишга асосланиб, уларни тузишнинг кўплаб вариантларидан фойдаланган ҳолда фирмалараро муносабатларни моделлаштириш имконини беради. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

✓ Акцияларни чиқариш орқали пул маблағларини жалб этиш қобилияти инвесторларнинг чекланмаган сонининг маблағларини жамлаш имкониятини беради. Бунда инвесторларнинг маълум рағбатлантириш (пул мукофоти)га умид қилишлари ва жамиятни бошқаришда иштирок этишни маълум даражада танлаш имконияти яратилади.

✓ Бошқарилиш муаммосини ҳал этиш енгиллашади. Ташкилий расмийлаштиришнинг ниҳоясига етганлиги, масъулият ва ваколатларни белгилашдаги регламентларнинг ўрнатилганлиги акциядорлик

жамиятлари бошқарув органлари ўртасидаги назорат функциясини тақсимлаш имконини беради. Бу бошқариш жараёнини профессионаллаштириш мумкинлигини англатади.

✓ Акциядорлар таркибига кириш ва ундан чиқишнинг соддалаштирилган тартиби манфаатдор шахслар ротациясининг кенг имкониятларини ҳамда, тегишлиравишда, инвестицион таклифнинг ўта ўзгарувчанлиги шароитида юқори мослашувчанликни таъминлайди.

✓ Чекланган масъулият тамойили рискларни камайтиришга имкон яратади. Чекланган масъулият тамойилининг амал қилиши рискларни акциядорлар ва бошқарувчилар ўртасида тақсимлаш орқали йирик корпорацияларни ташкил этишни мумкин қилиб қўйди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш серқирра ва мураккаб жараёндир. У энг аввало корхоналарда узоқ вақтлардан буён фойдаланиб келинаётган, бугунги кунда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни фойдаланишдан чиқарилишини тақозо этади. Чунки ишлаб чиқаришда жисмонан эскирган асбоб-ускуналарни қўллаш умумий ҳолда ресурслар сарфининг ошиб кетиши, нуқсонли ва яроқсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши, уларнинг сифати ҳамда истеъмол хусусиятларининг пасайишига олиб келса, маънавий эскирган асбоб-ускуналар кўпроқ маҳсулотлар таннархининг нисбатан юқори бўлиши ёки истеъмолнинг замонавий даражасига жавоб бермаслиги орқали жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бироқ, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳозирда корхоналарда мавжуд бўлган ва ишлатилиб келаётган асбоб-ускуналарни замонавий жиҳозлар билан қисқа муддатда ва ялпи ҳолда алмаштириб бўлмайди. Бу, биринчидан, жуда катта молиявий маблағларни тақозо этса, иккинчи томондан, амалдаги ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтатиб қўйилишига олиб келади Эскирган асбоб-ускуналардан воз кечиш ўз ўрнида ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш вазифасини кўндаланг қўяди.

Маълум даражада кичик корхоналарнинг устуворлиги инновасион соҳада ҳам кўзга ташланади. Бу эса қуйидагиларда намоён бўлади:

- Тадбиркорликни кичик шаклида ижодкорлик учун нисбатан яхшироқ шарт-шароитлар яратилади ва индивидуал ҳарактерга эга;
- Корхоналарда ихтирочи, мулкдор ва менежер бир шахс кўринишида намоён бўлиши мумкин, бу эса корпоратив бошқарувдаги асосий қарама-қаршиликларни олдини олади;

- Янги информатион технологиялар кичик корхоналарнинг доимий фаолият кўрсатишига яхши шарт-шароитлар яратади, бу эса аввал фақат йирик корхоналарга хос бўлган;
- Корхоналарда яратиладиган инновасион ишланмалар кўп маблағ талаб қилмайди, балким мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиб, имкон қадар лойиҳалар самарали амалга оширилади;
- Корхоналарда яратиладиган инновасион ишланмаларда асосий эътибор лойиҳанинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ва иқтисодий самарадорликка берилади.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, ўз мазмун-моҳиятига кўра, бир томондан, модернизациялашнинг зарурий таркибий қисми, бошқа томондан, уни тақозо этувчи боисий сабаби ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш кўпинча маҳсулот ва хизматлар сифатининг такомиллаштирилишига олиб келади. Чунки ишлаб чиқарувчининг маҳсулот янги турларини ўзлаштириш билан бир қаторда уларнинг истеъмол хусусиятларини яхшилашга интилиши пировардида сифат даражасининг ўсишини таъминлайди.

Бу эса мазкур маҳсулот ва хизматлар сотиш ҳажмининг кўпайиши билан бирга уларни сотиш бозорларининг кенгайишига таъсир кўрсатади. Бундан кўринадики, корхона фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг уйғун ҳолда қўлланилиши корхонанинг техник ва технологик жиҳатдан ривожланиши, молиявий ва иқтисодий имкониятлари кенгайиши ҳамда барқарорлигининг ошишига олиб келади.

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибadorлигини ошириш, улар томонидан эмиссия қилинаётган қимматли қоғозларнинг биржадаги савдоларини самарали ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни самарали йўлларини ташкил этади.

Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестор ва менежерларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашда, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда уни ташқи бозорларга олиб чиқишда уларнинг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек акциядорлик жамиятларининг устав капиталларида давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобидан иқтисодиётда давлатнинг иштирокини тубдан камайтириш инвестицион фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фикримизча, республикамиздаги акциядорлик жамиятлари акцияларини халқаро фонд биржаларига очик жойлаштириш амалиётини ташкил этишда листинг талабларидан бири ҳисобланган дастлабки тўловлар ва ҳар йиллик тўловлар даражасини ҳисобга олиш лозим. Чунки бундай тўловларнинг амалга оширилиши акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатмаслиги талаб этилади.

Акциядорлик жамиятлари инвестицион фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўллари АЖ бошқарув органлари ишини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишлари ҳисобдорлик, очиклик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда АЖни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари ҳисобланади. Акциядорлик жамияти фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорга экспорт қилиш мақсадида акциядорлик жамиятлари (кейинги матнларда АЖ деб юритилади) ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан, кредиторлар ўртасида мазкур шахслар манфаати уйғунлигига эришиш инвестицион фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган маълумотлар ҳамда илмий фикр-мулоҳазаларимиздан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни хулоса сифатида келтирамиз:

Ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилиши қуйидаги имкониятларни келтириб чиқаради:

- жаҳон миқёсидаги талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши;
- маҳсулот таннархининг аҳамиятли даражада пасайтирилиши ҳисобига корхона молиявий натижа ва имкониятларининг кенгайиши;
- хомашё ва ресурсларнинг тежалиши;
- маҳсулот ва хизматлар янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш диверсификациясининг амалга оширилиши.
- акциядорлик жамиятларида инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш мамлакатимиздаги фонд биржасининг ривожланиши ва ундаги савдоларнинг самарали ташкил этилишига ҳам бевосита боғлиқдир.

Юқорида келтириб ўтилган фикр-мулоҳазаларимизни акциядорлик жамиятлари афзалликларининг жамиятимизда тўлароқ намоён бўлишига

хизмат қилади ва бу орқали мамлакатимиз ижтимоий- иқтисодий тараққиёти жадаллашади, деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. Khujamurodov, A. (2020). PECULIARITIES OF CORPORATE STRATEGY AND RISK PREVENTION IN JOINT STOCK COMPANIES. Архив научных исследований, 35(1). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3456>
2. Khujamurodov, A. (2020). THEORETICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF STOCK MARKET INFRASTRUCTURE. Архив научных исследований, 35(1). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3454>
3. Бобур У., Кенжаева У. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТИ ВА МОДЕЛЛАРИ //RESEARCH AND EDUCATION. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 15-25.